



“НЕОФИТ” ВА ГЕМОСТАТ ПЛЁНКАСИННИГ ФОРМАЛИНЛИ МОДЕЛИДА ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

Бобожонова Ч.М.¹

Тошкент фармацевтика институти
charoskhon.bobojonova@mail.ru

Султанова Р.Х.¹

Тошкент фармацевтика институти
r.kh.sultanova@gmail.com

Azamatov A.A.

Институт химии растительных веществ имени С.Ю.Юнусова
Академии наук Узбекистан, г.Ташкент, Узбекистан

azizbek.azamatov@bk.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10812323>

ARTICLE INFO

Received: 06th March 2024

Accepted: 12th March 2024

Online: 13th March 2024

KEYWORDS

“Неофит”, сичқон, левамикол,
формалин, шиш, яллиғланиш.

ABSTRACT

Доривор ўсимликлар асосида олинган “Неофит” ва “гемостат” пленкасининг фармакологик хусусиятини ўрганиш учун 18-22 г вазндаги 36 та оқ зотсиз эркак сичқонларда яллиғланишга қарши хусусиятини ўрганиш учун “формалинли артрит” модели келтириб чиқарилди. Сўнгра формалин юборилган жойда ҳосил бўлган шишнинг қайтишини ҳисоблаш асосида яллиғланишга қарши таъсири мавжудлиги исботланди. Солиштирма объект сифатида Левамикол малҳами олинди. Ўрганилган натижаларга кўра “Неофит” ва “гемостат” пленкалари яллиғланишга қарши фармакологик таъсирга эга эканлиги аниқланди.

КИРИШ. Ўткир ва сурункали яллиғланиш билан кечувчи жараёнлар дунёда 80-90% инсонларда кечади. Яллиғланиш жараёни томирлар тизимида ва бириктирувчи тўқималарни турли флогогенлар (гистамин, формалин, коррагенин, серотонин, брадикининлар ва бошқалар) томонидан зарарланиш туфайли келиб чиқади. Вақтида бу жараёнлар сабабчиларини даволамаслик эса турли оғир оқибатларгача олиб келиши мумкин. Юмшоқ тўқималарда яллиғланиш жараёнлари танада шиш, қизариш, маҳаллий хароратни кўтарилиши ва сўнгра оғриқ белгилари билан намоён бўлади. Бу каби белгиларни бартараф этиш учун ностероид яллиғланишга қарши дори воситалари, антибиотиклар ва умуммустаҳкамловчи витаминлар ҳамда микроэлементлар сақловчи дори воситаларга бўлган талабни келтириб чиқаради. Ностероид яллиғланишга қарши дори воситаларни ўзига хос ножўя таъсирлари бўлганлиги уларни сурункали яллиғланиш жараёнларида қўллашда чекловларга сабаб бўлади. Бу эса табиий доривор ўсимликлар асосида тайёрланган янги дори воситаларни яратишга бўлган қизиқиш уйғотади [3,4].



Далачой таркибида диантрон гиперин, флавоноидлардан-гиперозид, рутин-юмшоқ тўқималарни қайта тикланишига таъсир этувчи модда, буриштирувчи моддалар-ўраб олувчи ва яллиғланиш жараёнларига қарши таъсир этади, эфир мойлари, витамин С, Е ва турли биологик фаол моддалари сақлайди. Тиббиётда ундан тайёрланган дамламаларни оғиз бўшлиғи ва милкларнинг яллиғланиш касалликларигингивит, стоматитда чайиш учун ишлатилади. Гемостат суюқ экстракти таркибида эса қон тўхтатувчи ва яллиғланишга қарши таъсирга эга доривор ўсимликлар композициясидан иборат бўлиб, тиббиётда бачадондан қон кетишида ишлатилади.

ИШНИНГ МАҚСАДИ. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, хлоргексидин 0.02г+5г гемостат суюқ экстракти, хлоргексидин 0.01г+5г гемостат суюқ экстракти сақлаган стоматологик плёнка ҳамда далачой 2г+метронидазол 0.01г ҳамда далачой 2г+Метронидазол 0.02г сақлаган “Неофит” плёнкасининг формалинли яллиғланиш моделида яллиғланишга қарши таъсирини левамикол малхамига солиштирилган ҳолда ўрганиш.

МАТЕРИАЛ ВА УСЛУБЛАР. Лаборатория ҳайвонлари 10-кун ўтказилган карантинда сақланди. Ўрганилаётган плёнкаларининг яллиғланишга қарши хусусияти 18-22 г вазндаги 36 та оқ зотсиз эркак сичқонларда олиб борилди. Бунда сичқонларнинг ўнг оёқ-сон аппоневрозига 0.1 мл дан миқдорда 2% ли сувли формалин юборилиб “формалинли артрит” модели келтириб чиқарилди. Ўрганилаётган модданинг яллиғланишга қарши таъсири таққослаш учун олинган Левамикол малҳами билан солиштирилди. Ўрганилаётган плёнкаларини физиологик эритма ёрдамида гел ҳолатга ўтказилди ва 72 соат мобайнида тажриба ҳайвонларини формалин юборган оёқ қисмига кунига 2 маротаба (эрталаб ва кечки пайт) суртилди. 72 соатдан кейин сичқонлар оёқ ҳажми методика бўйича оёқлар ҳажми чап оёқ ҳажмига солиштирилди [1,2].

Ҳайвонларни бтадан 6 та гуруҳга бўлинди:

1 гуруҳ назорат гуруҳи бўлиб, формалин 2% 0.1 мл юборилган+дистилланган сув;

2 гуруҳ солиштира препарат Левамиколь малҳами формалин юборилган оёқ юзасига (эрталаб ва кечки пайт) суртилди;

3 гуруҳ далачой 2г+метронидазол 0.01г плёнкаси тажриба ҳайвонларини формалин юборган оёқ қисмига кунига 2 маротаба (эрталаб ва кечки пайт) суртилди;

4 гуруҳ далачой 2г +метронидазол 0.02г плёнкаси тажриба ҳайвонларини формалин юборган оёқ қисмига кунига 2 маротаба (эрталаб ва кечки пайт) суртилди;

5 гуруҳ хлоргексидин 0.02г+5г гемостат суюқ экстракти плёнкаси тажриба ҳайвонларини формалин юборган оёқ қисмига кунига 2 маротаба (эрталаб ва кечки пайт) суртилди;

6 гуруҳга хлоргексидин 0.01г+5г гемостат суюқ экстрактини плёнкаси физиологик эритма ёрдамида гел ҳолатга ўтказилди ва 72 соат мобайнида тажриба ҳайвонларини формалин юборган оёқ қисмига кунига 2 маротаба (эрталаб ва кечки пайт) суртилди. 72 соатдан кейин сичқонлар оёқ қисми методика бўйича оёқлар ҳажм чап оёқ ҳажмига солиштирилди.

1 жадвал.

«Формалинли артрит» моделида ўрганилаётган плёнкаларнинг яллиғланишга қарши таъсири (n=6)



№	Юборилган модда	Вазни, гр.	Чап оёқ	Ўнг оёқ	Оёқ ҳажмдаги фарқ	Шишга қарши самарадорлиги, %
1	Назорат ҳайвонлар + формалин 2% 0.1 мл	20	721.2±0.9	917.6±2.2	196.4±1.6	-
2	Левамикол	19	742.7±0.9	813.4±2.3	70.4±1.5	64.1
3	“Неофит” 0.01г (далачой 2г +метронидазол 0.01г)	21	733.2±0.7	876.3±2.6	143.1±1.2	27.1
4	“Неофит” (далачой 2г +метронидазол 0.02г)	20	737.3±0.8	858.2±2.4	120.9±1.0	38.4
5	Стоматологик плёнка (Хлоргексидин 0.01г+гемостат)	20	735.6±0.7	864.5±2.6	128.9±1.2	34.3
6	Стоматологик плёнка (Хлоргексидин 0.02г+гемостат)	19	744.3±0.8	861.7±2.4	117.4±1.0	40.2

Изоҳ: * $P=0.05$ назорат гуруҳи билан солиштирилганда

ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР. Таҷриба якунида ҳайвонларнинг ўнг ва чап оёқ ҳажм ўлчанди. Солиштирма препарат Левамикол малҳамининг шишга қарши фаоллиги 64.1%га назорат ҳайвонларига нисбатан пасайтирган. Ўрганилаётган янги препаратлар Стоматологик плёнка-1 (Хлоргексидин 0.01г+гемостат) ҳамда Стоматологик плёнка-2 (Хлоргексидин 0.02г+гемостат) назорат ҳайвонларига нисбатан мос равишда 34.3 ва 40.2 фоизга, “Неофит” 0.01г (далачой 2г +метронидазол 0.01г) ҳамда “Неофит” (далачой 2г +метронидазол 0.02г)эса мос равишда 27.1 ва 38.4 фоизга шишни пасайтиргани таҷрибаларда ўз исботини топди. Олинган натижалар 1 жадвалда келтирилди.

ХУЛОСА. Олинган натижаларга асосланиб, ўрганилган янги плёнкалар яллиғланишнинг “формалинли артрит” моделида “Неофит” (далачой 2г +метронидазол 0.02г) плёнкаси ҳамда хлоргексидин 0.02г+5г гемостат суюқ экстракти плёнкасида сезиларли равишда шишга қарши сезиларли равишда таъсир этганлигини кўришимиз мумкин.



References:

1. Алиев Х.У., Рахимова Г.Қ., Файзиева З.Т., ва б. “Трибулепил” препаратининг ўткир захарлилиги ва яллиғланишга қарши таъсирини ўрганиш. Ўзбекистон фармацевтик хабарномаси №2, 2017-81-85 б.
2. Миронов А.Н. и др. Методические указания по изучению общетоксического действия фармакологических веществ //Руководство по экспериментальному (доклиническому) изучению новых фармакологических веществ, Часть 1. М.: Издательство «ГрифиК». 2000, М. -С. 18-25.
3. Сливаковский, Ю. М. Микроэлементы и их роль в жизни человека Медицинская сестра. - 2006. - № 1. - С. 39-41.
4. Huang, Y. S. Serial experimental and clinical studies on the pathogenesis of multiple organ dysfunction syndrom (MODS) in severe burns / Y. S. Huang, L.
5. S. Yang, X. S. Liu // Burns. - 1998. - Vol. 24. - P. 706-716.